

**“РАХТАКОР” sport mashgulotlari o’quv markazi акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини
1-сонли баёни**

Тошкент шаҳри

2016 йил 17 июнь

Акциядорлар умумий йиғилиши: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Ўзбекистон кўчаси 98А уйда соат 11- 00 да ўтказилди.

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони: **1 256 658 дона.**

Йиғилишда акциядор 640 896 дона, 51% эгаси ёзилган оддий акциялар эгаси «Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция департаменти» ДУК вакили бўлим бошлиғи Каримов Малик Рахимович (2016 йил 17 июндаги 01-376/12 –сонли ишончнома билан) ва акциядор 615 762 дона 49 % эгаси ёзилган оддий акциялар эгаси «РАХТАКОР» Футбол клуби Ўзбек-Британия кўшма корхонаси Бош директори Р.А. Купайсиновлар иштирок этди.

Таклиф қилинганлар: Кузатов кенгаши раиси Касимов Музаффар Абдумуталлиевич, жамият Бош директори в.в.б.Мансуров Санжар Анварович, молия ва истикболли ривожлантириш бўйича директор Ахрарова Зумрад Бакиджановна ва айрим мутахассислар иштирок этишди.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Кузатов кенгаши раиси М.А Касимов раислик қилди.

Йиғилиш раиси М.А.Касимов жамият кузатов кенгаши Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига ҳамда жамият Уставига асосан акциядорларнинг йиллик умумий ҳисобот йиғилишини 2016 йил 17 июнь кунига чақириш тўғрисида қарор қабул қилганлиги, йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар ва йиғилиш кун тартиби шу йил 28 май куни “Биржа” иқтисодий газетасида эълон қилинганлигини, жамият Кузатов кенгашининг 2016 йил 10 июндаги мажлисида акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигини, барча ташкилий тадбирлар тўлиқ амалга оширилганлигини айтиб ўтди.

Йиғилиш раиси М.А Касимов акциядорларга жамият Кузатов кенгашининг акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши қворумини аниқлаш ва йиғилишда овоз беришни ташкил қилиш бўйича санок комиссияси аъзоларини сайлаш бўйича таклифини киритди.

1. Мадумарова Саидахон Мадаминовна – кадрлар бўйича етакчи мутахассис;

2. Сайфутдинова Гулноза – катта ҳисобчи;

3. Убайдуллаев Жавлон Давронович – техника хавсизлиги бўйича мутахассис.

Санок комиссияси аъзолари йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар томонидан бир овоздан сайланди. Санок комиссияси йиғилиш кворумини аниқлаш бўйича иш олиб борди.

Йиғилиш раиси М.А. Касимов санок комиссияси аъзоси С.М. Мадумаровага сўз берди. С.М. Мадумарова санок комиссиясининг 1-сонли мажлис баёнини ўқиб эшиттирди, мажлис санок комиссияси раиси қилиб С.М. Мадумарова сайланганлигини, йиғилиш кворуми 100 фоиз бўлганлиги учун акциядорлар умумий йиғилишини ваколотга эга эканлигини маълум қилди (санок комиссияси мажлисининг 1-сонли баёни илова қилинади, Илова-1).

Йиғилиш иштирокчилари санок комиссияси мажлисининг 1-сонли баёнини маълумот учун бир овоздан қабул қилдилар.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши бир овоздан очиқ деб эълон қилинди.

Йиғилишга раислик қилувчи этиб М.А. Касимов ва йиғилиш котиби этиб З.Б. Ахрарова бир овоздан сайланди.

Йиғилиш раиси М.А. Касимов Кузатув кенгашининг 2016 йил 10 июндаги мажлиси қарори билан тасдиқланган тасдиқланган кун тартиби ва регламентини таклиф қилди:

1. Жамият Кузатув кенгашининг корпоратив бошқарув тамойилларини бажарилиши бўйича ҳисоботини эшитиш- 10 дақиқа.

Маърузачи: Касимов Музаффар Абдумуталлиевич

2. 2015 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва аудиторлик текширувининг ҳулосасини эшитиш- 5 дақиқа.

Маърузачи: Ахрарова Зумрад Бакиджановна

3. Жамиятнинг 2015 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳамда 2016 йилнинг асосий йўналишлари бўйича вазифалар тўғрисида жамият Бош директори в.в.б. С.А. Мансуровнинг ҳисоботини тасдиқлаш-20 дақиқа.

Маърузачи: Мансуров Санжарбек Анварович

4. 2015 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш- 10 дақиқа.

Маърузачи: Ахрарова Зумрад Бакиджановна

5. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш - 5 дақиқа.

Маърузачи: Ахрарова Зумрад Бакиджановна

6. “Корпоратив бошқарув Кодекси” талабларига асосан ишлаб чиқилган акциядорлик жамиятининг “Ички назорат тўғрисидаги Низом”, “Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом” ва “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом”ларни тасдиқлаш - 20 дақиқа.

Маърузачи: Касимов Музаффар Абдумуталлиевич
7. Жамиятнинг Уставига киритилган ЎЗГАРТИРИШЛАР ва ҚЎШИМЧАЛАРни тасдиқлаш- 10 дақиқа.

Маърузачи: Касимов Музаффар Абдумуталлиевич
8. Жамият “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом”га, “Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом”га, “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом”га ва “Ижроия органи-Бош директори тўғрисида”ги Низомга киритиладиган ЎЗГАРТИРИШЛАР ва ҚЎШИМЧАЛАРни тасдиқлаш - 15 дақиқа.

Маърузачи: Касимов Музаффар Абдумуталлиевич
9. Акциядорларнинг умумий йиғилишини “Корпоратив бошқарув Кодекси” тавсияларига риоя қилиш тўғрисидаги қарорини ва ахборот шаклини тасдиқлаш - дақиқа.

Маърузачи: Касимов Музаффар Абдумуталлиевич
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш- 5 дақиқа.

Маърузачи: Касимов Музаффар Абдумуталлиевич
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш-5 дақиқа.

Маърузачи: Касимов Музаффар Абдумуталлиевич
12. Жамият Бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини муддатини узайтириш масаласи- 5 дақиқа.

Маърузачи: Касимов Музаффар Абдумуталлиевич
13. 2016 йил учун жамият ташқи аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини тасдиқлаш- 5 дақиқа.

Маърузачи: Касимов Музаффар Абдумуталлиевич

Кун тартиби ва регламенти овозга қўйилиб, бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги 1-масала юзасидан “Кузатув кенгашининг корпоратив бошқарув тамойилларини бажарилиши бўйича ҳисоботи тўғрисида” Йиғилиш раиси М.А Касимов маъруза қилди (маъруза илова қилинади, Илова-2).

Кузатув кенгашининг корпоратив бошқарув тамойилларини бажарилиши бўйича ҳисоботи юзасидан сўзга чиққан акциядор «РАХТАКОР» Футбол клуби Ўзбек-Британия қўшма корхонаси Бош директори Р.А. Купайсинов Кузатув кенгаши 2015 йилдаги фаолияти янада яхшиланди деб таъкидлади. 2015 йилда Кузатув кенгашининг 10 та мажлиси ўтказилиб, унда 34 масалалар муҳокама қилинганлигини ўзи бунга далолатдир. Бундан кейин ҳам кенгаш ишини шундай давом этириш лозим. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарувнинг услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика комиссияси томонидан “Корпоратив бошқаруви тўғрисидаги Кодекс” қабул қилиниши билан Кузатув кенгаши олдида жамиятда ички назоратни кучайтириш бўйича янги вазифалар қўйилиб, кенгаш аъзоларидан ишга янги ёндошишни талаб

қилинмоқда. Ҳайламанки бугунги ййғилишда янги сайланадиган Кенгаш аъзолари ўз фаолиятини ушбу Кодексдан келиб чиққадиган талабларга мос ҳолда ташкил қилади. Кузатув кенгашининг ҳисоботини тасдиқлашни таклиф қиламан ва бунга ўз муносабатимизни овоз бериш бюллетени орқали билдиришни таклиф этаман.

Кун тартибидаги 1- масала юзасидан сўзга чиққан «Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция департаменти» ДУК вакили М.Р. Каримов Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини маъқуллашини ва ййғилиш қарорларига ўз муносабатимизни овоз бериш бюллетени орқали билдиришни таклиф этаман деди.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги 2- масала “2015 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва аудиторлик текширувининг ҳулосасини эшитиш” бўйича жамиятнинг молия ва истиқболли ривожлантириш бўйича директори З.Б. Ахрарова сўзга чиқиб 2015 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти текширувининг ҳулосасини ўқиб эшиттирди (ҳулосалар баёнга илова қилинмоқда, Илова-3, Илова -4).

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан акциядор “РАХТАКОР” Футбол клуби Ўзбек-Британия қўшма корхонаси Бош директори Р.А. Купайсинов жамият тафтиш комиссиясининг ва “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувининг ҳулосасини тасдиқлашни ва ййғилиш қарорига ўз муносабатимизни овоз бериш бюллетени орқали билдиришни таклиф этаман деди.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги 3- масала “2015 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес-режанинг бажарилиши ҳамда 2016 йилнинг асосий йўналишлари бўйича ҳисоботи” юзасидан жамият Бош директори в.в.б. С.А. Мансуров маъруза қилди(маъруза илова қилинади, Илова-5).

Кун тартибидаги 4- масала юзасидан жамиятнинг молия ва истиқболли ривожлантириш бўйича директори З.Б. Ахрарова “2015 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини ўқиб эшиттирди(ҳисобот илова қилинади, Илова-6).

Кун тартибидаги 3 ва 4-масалалар юзасидан сўзга чиққан «РАХТАКОР» Футбол клуби Ўзбек-Британия қўшма корхонаси Бош директори Р.А. Купайсинов жамият 2015 йил якунига кўра 316 689 минг сўм соф фойда олганлиги, бу фойда асосан жамият 2015 йил бошида аввал ташкил қилинган «РАХТАКОР-TENNIS ACE» масъулияти чекланган жамияти Устав фондига 655 465 минг сўмлик мол мулкни таъсисчи сифатида киритиб, узоқ муддатли инвестиция сифатида даромадга олиб

боргани эвазига эканлигини қайд қилди. Шунга қарамасдан жамиятнинг 2015 йилда ўзи топган даромади 521 169 минг сўмни ташкил этган, бу эса 2012 йилга нисбатан 2013 йилга нисбатан 1,5 баробарга 2014 йилга нисбатан 10 000 минг сўмга кўпайганлигини билдиради. Жамият ижроия органи бизнес режада белгиланган солиқлардан 20 100 минг сўм, хатто коммунал тўловлардан 25 414 минг сўм тежашга эришганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Демак жамият директорининг бошқарувчилик, ташкилотчилик фаолиятида йилдан йилга яхши томонга ўзгариш ва ўсиш бўлмоқда. Лекин ҳали жамиятнинг ижроия органи Бош директори ва директорлари ички имкониятларидан тўла фойдаланишмоқда деб бўлмайди. Жамият Бош директори директорлардан, улар эса бўлим бошлиқларидан талабчанликни кучайтиришлар зарур, ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш лозим.

Жамият Бош директорининг 2015 йилдаги фаолиятини қониқарли баҳолаб, ҳисоботини тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилиш ва бунга ўз муносабатимизни овоз бериш бюллетени орқали билдиришни таклиф этаман.

Шундан сўнг Йиғилиш раиси М.А. Касимов сўзга чиқиб, жамият Бош директорининг 2015 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботидан кўришиб турибдики, ижарага беришдан олинган даромад 2012 йилга нисбатан 2,3 баробарга ошган. Демак стадион минбарлари остидаги таъмир талаб бўлган иншоотларни ҳам тезроқ зарур бўлган тадбиркорларга ижарга бериш чораларини кўриш зарур. Ижарага бериш бўйича интернетда реклама қилиш, жамият ва бошқа вебсайтлар имкониятларидан фойдалансак оладиган даромадимиз яна ошиб боради. Ундан ташқари спорт-соғломлаштириш хизматлари кўрсатишнинг сифатини яхшилаш ҳисобига ҳам миқдорлар сонини ошириш мумкин бўлади.

2015 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи кўра жамият 2015 йилни **316 689 минг сўм соф фойда** билан яқунлаган, фойда жамиятнинг аввалги йиллардаги зарарларини қоплаш учун юборилишини ҳисобга олиб ўтиш керак. Акциядор Р.А. Купайсиновни жамият Бош директорининг 2015 йилдаги фаолиятини қониқарли баҳолаб, ҳисоботини тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилиш ва бунга акциядорлар ўз муносабатини овоз бериш бюллетени орқали билдириш тўғрисидаги таклифини маъқуллайман деди.

Таклиф овозга кўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги 5- масала бўйича сўзга чиққан жамиятнинг молия ва истиқболли ривожлантириш бўйича директори З.Б.Ахрарова 2015 молиявий-хўжалик йилини жамият 316 689 минг сўм соф фойда билан яқунлаганлиги, лекин амалдаги бухгалтерия тўғрисидаги қонунчиликка асосан фойда аввалги йилларда тўпланган зарарларни қоплаш учун йўналтирилди. Фойдани тақсимлаш масаласи эса жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатига тегишли эканлиги учун акциядорлардан йиғилиш қарори билан тасдиқлаб беришларини сўради.

Кун тартибидаги 6-масала бўйича Йиғилиш раиси М.А. Касимов сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги 4720-ПФ сонли “Акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилиш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2015 йил 31 декабрда ўтказилган йиғилишида (2016 йил 11 февралдаги 02-02/01-187-сон Баённомаси) Корпоратив бошқарув кодекси тасдиқланган бўлиб, мазкур Кодексда акциядорлик жамиятлари томонидан Ахборот сиёсати, Ички назорат, Дивиденд сиёсати ва Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларни ишлаб чиқиш ҳамда Кодексни жорий этиш талабларидан келиб чиқиб, жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш назарда тутилган. Жамият Кузатув кенгашининг топшириғига асосан ижроия органи томонидан ишчи гуруҳи ташкил қилиниб, юқорида қайд қилинган жамиятнинг “Ички назорат тўғрисидаги Низом”, “Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом” ва “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом”лари лойиҳалари амалдаги қонунчилик талабларига биноан ишлаб чиқилиб, Сизларга тақдим қилинди (Илова-7,8,9).

Шунинг учун Сизларга тарқатилган ушбу Низомлар лойиҳалари бўйича ўз фикр мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўрайман.

Кун тартибидаги 6-масала бўйича сўзга чиққан акциядор вакили М.Р.Каримов “Ички назорат тўғрисидаги Низом”, “Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом” ва “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом”лари лойиҳаларини ишлаб чиқишда шахсан иштирок этганлигини, Низомлар амалдаги қонунчилик талабларига асосан “Корпоратив бошқарув Кодекси” талабларига жавоб беришини таъкидлади. Акциядорлик жамиятининг ушбу Низомларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва бунга ўз муносабатимизни овоз бериш бюллетени орқали билдиришни таклиф этаман деди.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги 7- масала бўйича йиғилиш раиси М.А. Касимов Корпоратив бошқарув кодекси талабларига асосан акциядорлик жамиятининг “Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом”, “Ички назорат тўғрисидаги Низом”, “Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом” ва “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом”лар қабул қилиниши муносабати билан жамиятнинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлигини қайд қилди.

Ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган Жамиятнинг Уставига киритилган **ЎЗГАРТИРИШЛАР** ва **ҚЎШИМЧАЛАР** акциядорларга тарқатилган (Илова-10).

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан сўзга чиққан акциядор “РАХТАКОР” Футбол клуби Ўзбек-Британия кўшма корхонаси Бош директори Р.А. Купайсинов акциядорлик жамияти Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тўла маъқуллаб, бунга ўз муносабатимизни овоз бериш бюллетени орқали билдиришни таклиф этаман деди.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги 8-масала бўйича Йиғилиш раиси М.А. Касимов “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом”га, “Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом”га, “Ижроия органи- Бош директори тўғрисидаги Низом”га ва “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом”га киритиладиган **ЎЗГАРТИРИШЛАР** ва **ҚЎШИМЧАЛАР** матни лойиҳаларини ўқиб эшиттирди (ўзгартириш ва қўшимчалар илова қилинмоқда, Илова-11,12,13,14).

Кун тартибидаги 8-масала бўйича сўзга чиққан акциядор вакили М.Р. Каримов “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом”га, “Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом”га, “Ижроия органи- Бош директори тўғрисидаги Низом”га ва “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом”га киритиладиган **ЎЗГАРТИРИШЛАР** ва **ҚЎШИМЧАЛАР** матни лойиҳаларини ишлаб чиқишда шахсан иштирок этганлиги учун уларни тўла мақуллашини айтиб, бунга ўз муносабатимизни овоз бериш бюллетени орқали билдиришни таклиф этаман деди.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги 9-масала юзасидан Йиғилиш раиси М.А. Касимов сўзга чиқиб, “Корпоратив бошқарув Кодекси” ни жамият қабул қилар экан унинг тавсияларига риоя қилиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишини қарорини ва ушбу қарорни оммавий ахборот воситасида ошкор қилиш бўйича ахборот шаклини тасдиқлаши лозим, шунинг учун қарор ва ахборот шакли Сизларга тарқатилган.

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан сўзга чиққан акциядор “РАХТАКОР” Футбол клуби Ўзбек-Британия кўшма корхонаси Бош директори Р.А. Купайсинов “Акциядорларнинг умумий йиғилишини “Корпоратив бошқарув Кодекси” тавсияларига риоя қилиш тўғрисидаги қарори ва ахборот шаклини тўла маъқуллаб, бунга ўз муносабатимизни овоз бериш бюллетени орқали билдиришни таклиф этаман деди.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги 10-масала бўйича йиғилиш раиси М.А.Касимов сўзга чиқиб, Кузатув кенгашининг 2016 йил 20 майдаги мажлис қарорига асосан кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш бўйича “Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция департаменти” ДУКнинг мурожатига кўра тафсия этилган номзодлар Аюпов Азизбек Азимович, Касимов Музаффар Абдумуталлиевич ва Насретдинов Саидали Саиднабиевичлар, “«РАХТАКОР» Футбол клуби Ўзбек-Британия кўшма корхонасининг

номзодлари Купайсинов Рустам Ахатович ва Салимов Равшан Салимовичлар овоз бериш бюллетенига киритилганлигини, овоз бериш кумулятив равишда берилишини ва энг кўп овоз олган 5 та номзод Кузатов кенгаши аъзолига сайланган деб ҳисобланишини айтди.

Кун тартибидаги 10-масала бўйича сўзга чиққан акциядор вакили М.Р. Каримов кузатов кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича ўз муносабатимизни овоз бериш бюллетени орқали билдиришни таклиф этаман деди.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги 11-масала юзасидан йиғилиш раиси М.А.Касимов сўзга чиқиб, Кузатов кенгашининг 2016 йил 20 майдаги мажлис қарорига асосан тафтиш комиссияси аъзоларни қайта сайлаш бўйича “Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция департаменти” ДУК номзодлари Каримов Малик Рахимович ва Рахимов Озод Шакирович ва “«РАХТАКОР» Футбол клуби Ўзбек-Британия қўшма корхонасининг номзоди Калинина Анна Владимировналар овоз бериш бюллетенига киритилганлигини айтди ва бунга акциядорлар ўз муносабатини билдиришини айтди.

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан сўзга чиққан акциядор “РАХТАКОР” Футбол клуби Ўзбек-Британия қўшма корхонаси Бош директори Р.А. Купайсинов тафтиш комиссия аъзоларини сайлаш бўйича ўз муносабатимизни овоз бериш бюллетени орқали билдиришни таклиф этаман деди.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги 12-масала юзасидан йиғилиш раиси М.А.Касимов сўзга чиқиб жамият Бош директори в.в.б. Мансуров Санжар Анварович билан уни ишга ёллаш тўғрисида тузилган меҳнат шартномасини 1 йилга узайтириш тўғрисида қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 3-бандига ҳамда “Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 8 майдаги 4 сонли баённомасига асосан Тошкент шаҳрида жойлашган устав капиталида давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари раҳбарлари таркибини корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари ва принциплари, менежмент ва маркетинги, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда уларни ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида қўллай билиши бўйича аттестациядан ўтказиш бўйича Республика махсус комиссиясининг 2015 йил август ойидаги мажлиси қарорининг 3-бандига аттестациядан ўтмаган ва эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас деб топилганлар рўйхатида «РАХТАКОР» СМЎМ АЖ директори С.А.Мансуров ҳам бор эди.

Шунинг учун жамият кузатув кенгашининг 2015 йил 28 сентябрдаги мажлисида Бош директор С.А. Мансуров аттестация комиссиясининг қарорига асосан лавозимга нолийқ деб топилгани учун ўз вазифасидан озод қилинди. 2015 йил 15 октябрдан бошлаб оммавий ахборот воситаси ва жамият вебсайти орқали «РАХТАКОР» СМО'М АЖ Бош директор лавозимига танлов эълон қилинди. Танлов комиссияси таркиби тасдиқланиб, унга:

- 2015 йил 15 октябрга қадар танлов эълони тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаси ҳамда жамиятнинг интернетдаги “Вебсайти”да чоп этиш, танлов шартларида акциядорлик жамиятининг бугунги кундаги молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар, жамиятдаги мавжуд муаммо ва бартараф ва ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалаларни ёритиш;

- Танловда қатнашиш учун номзодларга хужжатларни тақдим қилиш муддати 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябрга қадар белгиш, номзодлар билан суҳбат ўтказиш, уларнинг бизнес режалари билан танишиш ва Кузатув кенгашига аниқ 3 та номзод бўйича комиссия хулосаларини 2015 йил 15 декабрга қадар тақдим қилиш юклатилди.

Танлов комиссияси ўз ишини тугатиб, жамият Бош директори лавозимига акциядорлик жамиятининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида номзод тайинлангунга қадар Бош директор лавозимини вақтинча бажариб туриш С.А. Мансуровга юклатилди.

Лекин танлов комиссиясига Бош директорлик учун С.А. Мансуровдан бошқа ҳеч кимдан ариза келиб тушмаган. Шундан сўнг жамият Кузатув кенгаши танлов муддатини 2016 йил 1 мартга қадар узайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. 2016 йилнинг апрелига қадар ҳам бошқа номзодлардан таклиф келиб тушмаган. Шунинг учун ушбу масалани акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида муҳокама қилиб қарор қабул қилишга келишилди.

Кун тартибидаги 12- масала юзасидан сўзга чиққан акциядор вакили М.Р. Каримов акциядорлик жамиятининг бугунги молиявий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, албатта Бош директорликка номзод топиш иши осон эмаслигини, танлов комиссияси томонидан етарлича иш ташкил қилинганлигини, шунингдек С.А. Мансуров “Корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази”да ўз малакасини ошириб, тегишли малака сертификатига эга бўлганлигини инобатга олиб бугунги йиғилиш қарори билан Бош директорликка тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунга ўз муносабатимизни овоз бериш бюллетени орқали билдиришни таклиф этаман деди.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги 13-масала юзасидан йиғилиш раиси М.А. Касимов сўзга чиқиб 2015 йил учун жамият ташқи аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш бўйича сўзга чиқиб, кенгашга «ХВ FINANSE KONSULTING» МЧЖ аудиторлик ташкилоти ва “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотларидан аудиторлик

текшируви ўтказиш бўйича таклифлар тушганини ва ўрганиб чиқиб “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиш, хизмат ҳақини 4 000 000 (тўрт миллион) сўм қилиб белгилаш тўғрисида йиғилиш қарорини қабул қилиш тўғрисида таклиф киритилди. Бу қарорга ҳам овоз бериш бюллетени орқали акциядор ўз муносабатини билдиради.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Шундан сўнг санок комиссияси раиси С.М. Мадумарова сўзга чиқиб овоз бериш бюллетенларини йиғилишда қатнашаётган акциядорларга тарқатиб, овоз бериш тартиби билан таништирди.

Овоз бериш ўтказилгандан сўнг, санок комиссияси овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқди.

Санок комиссияси раиси С.М. Мадумарова овоз бериш бюллетенлари орқали овоз натижалари юзасидан санок комиссияси мажлисининг 2 сонли баёни билан таништирди (санок комиссиясининг 2-сонли баёни илова қилинади, Илова-15).

Йиғилиш раиси М.А. Касимовнинг санок комиссияси мажлисининг 2-сонли баёнини маълумот учун қабул қилиш тўғрисида таклифи бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари:

1. Жамият Кузатув кенгашининг корпоратив бошқарув тамойилларини бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

2. 2015 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг хулосаси ва аудиторлик текширувининг хулосасини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

3. Жамиятнинг 2015 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳамда 2016 йилнинг асосий йўналишлари бўйича вазифалар тўғрисида жамият Бош директори в.в.б. С.А. Мансуровнинг ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

4. 2015 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

5. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

6. “Корпоратив бошқарув Кодекси” талабларига асосан ишлаб чиқилган акциядорлик жамиятининг “Ички назорат тўғрисидаги Низом”,

“Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом” ва “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом”ларни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

7. Жамиятнинг Уставига киритилган ЎЗГАРТИРИШЛАР ва ҚЎШИМЧАЛАРни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

8. Жамият “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом”га, “Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом”га, “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом”га ва “Ижроия органи-Бош директори тўғрисида”ги Низомга киритиладиган ЎЗГАРТИРИШЛАР ва ҚЎШИМЧАЛАРни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

9. Акциядорларнинг умумий йиғилишини “Корпоратив бошқарув Кодекси” тавсияларига риоя қилиш тўғрисидаги қарорини ва ахборот шаклини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:

1. АюповАзизбекАзимович - 1 256 658 дона овоз.
2. Касимов Музаффар Абдумуталлиевич-1 256 658 дона овоз.
3. НасретдиновСаидалиСаиднабиевич-1 256 658 дона овоз.
4. КупайсиновРустамАхатович-1 256 658 дона овоз.
5. СалимовРавшанСалимович- 1 256 658 дона овоз.

11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш:

1. Каримов Малик Рахимович
2. Рахимов Озод Шакирович
3. Калинина Анна Владимировна

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

12. Жамият Бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини муддатини узайтириш масаласи.

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

13. 2016 йил учун жамият ташқи аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: ёқлаб- 1 256 658 дона овоз, 100 фоиз, қарши- йўқ, бетараф –йўқ.

**Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни
эшитиб, атрофлича муҳокама қилиб ва овоз бериш бюллетени орқали
овоз бериш натижаларини кўриб чиқиб
қарор қилади:**

1. «РАХТАКОР» sport mashgulotlari o'quv markazi акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг корпоратив бошқарув тамойилларини бажарилиши бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

2. 2015 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг аудиторлик текшируви бўйича ҳулосаси тасдиқлансин.

3. Жамиятнинг 2015 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳамда 2016 йилнинг асосий йўналишлари бўйича вазифалар тўғрисида жамият Бош директорив.в.б. С.А. Мансуровнинг ҳисоботи тасдиқлансин

4. 2015 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағи тасдиқлансин.

5. Акциядорлик жамиятининг 2015 йил якуни бўйича олган 316 689 минг сўмлик соф фойдаси бухгалтерия тўғрисидаги қонунчиликка асосан аввалги йилларнинг зарарларини қопланиши учун юборилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6.1. Корпоратив бошқарув кодекси талабларига асосан ишлаб чиқилган акциядорлик жамиятининг “Ички назорат тўғрисидаги Низом”, “Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом” ва “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом”лари тасдиқлансин.

6.2. Жамият Кузатув кенгашига ушбу Низомларни жамият фаолиятига жорий қилиш, жамиятда ички назоратни доимий ва давомийлигини таъминлаш, тўғри дивиденд сиёсатини амалга ошириш, манфаат қарама-қаршилиги вужудга келганда уларни бартараф қилиш бўйича тегишли гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш топширилсин.

7.1. РАХТАКОР» sport mashgulotlari o'quv markazi акциядорлик жамияти Уставига киритилаётган ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР тасдиқлансин.

7.2. Акциядорлик жамияти ижроия органига жамият Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни қонунчиликда белгиланган тартибда Шайхонтохур тумани ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган “Ягона дарча”да (собик Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида) қайта рўйхатга олинишини таъминлаш топширилсин.

8.1 Акциядорлик жамиятининг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом”га, “Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом”га, “Ижроия органи-Бош директори тўғрисидаги Низом” ва “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом”га киритилаётган ЎЗГАРТИРИШЛАР ва ҚЎШИМЧАЛАР тасдиқлансин.

8.2. Жамият Кузатув кенгашига ички мъеёрий хужжатларга киритилган ўзгартириш ва кўшимчаларни ўз вақтида расмийлаштириш ва амалий фаолиятда фойдаланиш юклатилсин.

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини “Корпоратив бошқарув Кодекси” тавсияларига риоя қилиш тўғрисидаги қарори ва ахборот шакли тасдиқлансин.

9.2. Жамият ижроия органига акциядорларнинг умумий йиғилишини “Корпоратив бошқарув Кодекси” тавсияларига риоя қилиш тўғрисидаги қарорини “Биржа” газетасида ошкор қилиш топширилсин.

10. Жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидагилар сайлансин: Аюпов Азизбек Азимович, Касимов Музаффар Абдумуталлиевич, Насретдинов Саидали Саиднабиевич, Купайсинов Рустам Ахатович, Салимов Равшан Салимович.

11. Жамият тафтиш комиссияси таркибига қуйидагилар сайлансин: Каримов Малик Рахимович, Рахимов Озод Шакирович, Калинина Анна Владимировна.


12. Акциядорлик жамияти ижроия органи Бош директори лавозимида Мансуров Санжар Анварович тайинлансин, у билан янги меҳнат шартномаси тузилсин ва шартномани имзолаш ҳуқуқи Кузатув кенгаши раисига берилсин.

13.1 2016 йил учун жамиятни ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи 4 000 000 (тўрт миллион) сўм қилиб белгилансин.


13.2 Ушбу қарорларнинг ижросини таъминлаш жамият Бош директори С.А. Мансуровга топширилсин.

13.3 Мазкур қарорларни ижросини назорат қилиб бориш жамият Кузатув кенгашига юклатилсин.

Умумий йиғилиш раиси

 М.А. Касимов

Йиғилиш котиби

 З.Б. Ахрарова

Баён имзоланган сана: 2016 йил «27» июнь.